ЎзССР Давлат китоб палатаси

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№№ 61—62 (2702—2703)
1994 йил, 12 август

Тошкент шаҳрида— сотувда баҳоси 1 сўм

## ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Яқинда бўлиб ўтган вазирлик Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида ички ишлар идоралари, муассасалари, ҳарбий бўлинмалари ва барча шахсий таркибининг 1994 йил биринчи ярмидаги иш фаолиятига баҳо берилиб, келажакда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ушбу йиғилишда ички ишлар идоралари ходимларининг оператив шароит нақадар мураккаб бўлишига қарамасдан, ҳар бир соҳада фаол меҳнат қилганликлари қайд этилди. Шу жумладан, ўтиш даврида одамларнинг тинч ва осойишта яшаб, меҳнат қилишига замин яратиш, иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, ғайриқонуний йўллар билан халқ, юрт бойлигини республикадан ташқарига олиб кетишнинг олдини олиш, турли хил табиий офатларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби ўнлаб ҳаётий масалаларнинг ҳал қилинишига муносиб ҳисса билан қатнашганликлари айтилди.

Шунинг билан бир қаторда милициянинг азалий вазифалари — жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ишларида ҳам сусткашликка йўл қўйилмади. Сўнгги йиллар давомида республикамиз ҳудудида жиноятчиликнинг ўсиш суръати илк бор 1992 йилнинг охирларида тўхтатилган бўлса, кейинги даврда ҳам оператив шароит мунтазам равишда қаттиқ назорат остида бўлиб турди. Ҳозирда умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоизга, унинг оғир турлари эса 15,6 фоизга камайган. Бу албатта, ижобий ҳолат бўлиб, бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикаларининг кўрсаткичларидан бир неча баравар юқоридир.

Лекин Ҳайъат мажлисида таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар нақадар қувончли бўлсада, бажарилган ишлардан қаноатланишга асос бўла олмайди. Ҳайъат мажлиси раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. А. Алматов Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясидаги нутқида жиноятчиликка қарши курашнинг ижобий натижалари тўғрисида гапириб, "...Аммо фоиз камайгани жиноятчилик бутунлай йўқолиб кетди дегани эмас",— дея таъкидлаганини яна бир бор мажлис қатнашчиларига уқтириб ўтди. Шу боисдан ҳам раҳбар ходимларнинг диққат-эътибори шаҳар ва туманларда ҳанузгача оғир турдаги жиноятлар рўй бераётгани, кўча ва жамоат жойларида қонунбузарлик қилинаётганига, уларни бартараф этишда эса ички ишлар идораларининг барча имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлигига қаратилди. Вазирлик хизмат соҳалари, бошқарма ва бўлимлари ҳамда вилоятлардаги ички ишлар идораларининг ишлари чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд камчилик ва нуқсонлар юзасидан кўпгина раҳбарлар қаттиқ танқид остига олинди.

Долзарб масала ва муаммолар юзасидан, шу жумладан, шахсий таркиб орасида интизомни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишларини янги усулларда ривожлантириш, жанговар тайёргарлик, касбий маҳоратни ошириш, жиноятчиликка қарши кураш ишларини жадаллаштириш ва бошқа бир қанча муҳим йўналишлар бўйича Ҳайъат мажлиси тегишли қарорлар қабул қилди.




## САМАРҚАНД ШАҲРИ БЎСАҒАСИДА

ЯҚИНДА КАТТА Ўзбек трактининг Самарқандга кириш ерида Давлат автомобиль назоратининг янги пости фойдаланишга топширилди. Дастлаб қараганда унчалик муҳим бўлиб туюлмайдиган бу воқеа ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. Бекмуродов шундай деди:

— Бир кеча-кундузда салкам 2000 та машина ўтадиган катта кўчада жойлашганининг ўзиёқ бу постнинг ғоятда муҳим эканидан далолат беради. Кўп йиллар давомида бу ерда бир вагонча бўлган холос, ДАН инспектори ҳам битта эди. Ҳозирги пост эса, ишонч билан айта оламанки, республикадаги энг чиройли постдир. Бу ердан ўтадиган бухоролик, сурхондарёлик ва қашқадарёлик меҳмонлар шубҳасиз, ўзларида ҳам ана шундай бинолар қуришни орзу қилиб қоладилар.

ДАН постини қуришда Самарқанд туманининг бир қатор хўжаликлари ва ташкилотлари ёрдам беришди.

Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Т. Тўхтаевнинг буйруғи билан қурилишнинг бир гуруҳ фаол иштирокчилари фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

**С. ЗОҲИДОВ,**
**Самарқанд вилояти ИИБ катта инспектори, милиция майори.**

**Суратда: ДАН постининг янги биноси.**
**Б. ТИМЧЕНКО олган сурат.**

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### ЁНҒИН

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги Фабричная кўчаси, 4-хонадонда эрта тонгда ёнғин чиқди. Оқибат аянчли якун топди. Хонадон соҳибининг бир ёшли ўғли Г. Леоньев ҳалок бўлди. Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

### ИШОНГАНИМ СЕН БЎЛСАНГ...

ХОРАЗМ вилояти божхона ходими О. Х. ўз вазифасини суиистеъмол қилди. У туркманистонлик Р. К. дан 100 минг сўм-купон миқдорида пора олаётган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Туркманистонлик ўз юртига 180 кг. гуруч, 50 дона кир совунни олиб кетишни ният қилган, шу сабаб божхона ходимига "арзимаган" пулни узатаётган эди.

### ФОЛ ОЧИРМОҚЧИ ЭДИ...

ТОШКЕНТ шаҳар С. Раҳимов туманида яшовчи, 1976 йилда туғилган У. Абдуқаҳҳорованинг уйига уч номаълум шахс фол очиб қўямиз, дея кириб келишди. Аммо жувон шўрлик фол очиришга улгурмади. Фирибгарлар унинг 10 дона турли хилдаги тақинчоқларини олиб кетишди.

Айни дамда фирибгарлар ўз тақдирларига фол очишмоқда. Бу ишда эса уларга қонун посбонлари "ёрдам" беришмоқда.

### "УЧ ЮЗ БЎЛСА, БЕШ БЎЛАДИ"

НУКУС давлат педагогика университетининг рус тили ўқитувчиси Б. А. шу университетнинг 4-босқич талабасига худди шу гапларни айтди. Талаба айтилган уч юз сўмни ўқитувчисига келтириб берди. Аммо ўқитувчи талабанинг тегишли қоғозига ваъдалашган бешини қўйишга улгурмади. Насиб этса, суд унга керакли рақамни кўрсатади.

### "ROYAL"ДАН НЕЧТА АРОҚ ЧИҚАДИ?

ТЎРТКЎЛ шаҳридаги Нурмуҳамедов кўчасида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Н. буни жуда яхши билади. Чунки ўтказилган тезкор тадбир пайтида унинг хонадонидан 150 шиша қўлбола ароқ, турли хил ароқ ясаш ускуналари ва 9 литр "ROYAL" спирти топилди.

### ПУЛДАН ПУЛНИНГ ФАРҚИ БОР

АНДИЖОН шаҳридаги шоҳбекатда йўловчи йўл ҳақи учун автобус ҳайдовчисига 50 минг Россия рублини берди. Ҳайдовчи рублнинг қалбакилигини сезиб қолиб, йўловчини милицияга топширди. Рубль ҳақиқатан ҳам қалбаки экан. Унинг эгаси эса Тожикистоннинг Хўжандида яшовчи 19 ёшлик йигитча бўлиб чиқди.

### ҚУРУВЧИНИНГ ИККИНЧИ ҲУНАРИ

ЗАРАФШОН шаҳридаги 12-даҳа, 7-уй, 55-хонадонда яшовчи, қурилиш бошқармаси пайвандловчиси О. Х.нинг уйидан "Ф-1" русумли бир дона жанговар граната топилди.

### ҒИРТ КАМБАҒАЛ БЎЛИШГАН, ШЕКИЛЛИ...

ШЎРЧИ темир йўл шоҳбекатида икки номаълум шахс "Сариосиё-Тошкент" поезди кузатувчиси Б. Турғуновни уриб, ёнидаги... 300 сўм-купонини тортиб олишган. Б. Турғунов пулига эмас, қадрига "йиғлаб", милицияга хабар берди. Милиция "Партсъезд" жамоа хўжалигида яшовчи ака-ука талончиларни зум ўтмай ушлаб олишди.

### ЧЕГАРАДА УШЛАНДИЛАР

УРГАНЧ шаҳридаги Восточная кўчасида яшайдиган, иш жойи бетайин Г. М. 7-автокорхона ҳайдовчиси А. К. билан тилни битта қилиб, иккинчисининг "КамАЗ"ига тўрт тоннаю беш юз кило ўсимлик ёғини ортишиб, Қозоғистон тарафга йўл тортишди. Аммо уларга сергак ички ишлар ходимлари йўл беришмади.

**М. ТИЛЛАЕВ.**

## "01"хабарлари

### ХОРАЗМ

### ЭҲТИЁТСИЗЛИК

ЯНГИБОЗОР туманидаги Халқобод жамоа хўжалигида яшовчи Сапаргул Нуразизова пахта ёғи тўла қозонни олов устига қўйди ва уй юмушлари билан банд бўлиб кетди. Вақт ўтиб кучли қизиган ёғ ёна бошлади. Шошиб қолган Сапаргул ловуллаб ёнаётган қозонни ерга олиб қўймоқчи бўлди. Аммо қозондаги қайноқ ёғ уй бекасининг устига қуйилиб кетди. Эндигина 30 баҳорни қаршилаган Сапаргул оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Шифокорлар баданнинг 95 фоизи куйганлиги сабабли унинг ҳаётини сақлаб қололмадилар.

### САБАБИ АНИҚЛАНМОҚДА

ХОНҚА туманининг Хоразм кўчасидаги 5-уйда яшовчи Қадам Нажмиддиновнинг уйида ёнғин чиқди. Олов бир зумда уй хоналарини эгаллаб олди.

Кучли ёнғин қўшни уйларга ҳам ўта бошлади. Натижада Қ. Нажмиддиновнинг уч нафар қўшниси жиддий зарар кўрди. Олов ичида қолган Омон Нажмиддинов эса касалхонага ётқизилди.

### ЁНҒИН ИЧИДА ҚОЛИШДИ

АМИНБОЙ ака беш нафар фарзандларини уйида қолдириб, турмуш ўртоғи билан меҳмондорчиликка жўнади. Тўққиз яшар Нилуфар укаларига бош бўлиб уйда қолди. Болалар зерикишгач, ойнаи жаҳон кўрсатувларини томоша қила бошлашди. Орадан бир неча соат вақт ўтгач, телевизор қизиб ёна бошлади. Нима қилишни билмай қолган болалар ёнаётган телевизорга сув сепишди... Ёнғин кучайиб кетди. Хонани ачимтил ҳид қоплади. Болалардан икки нафари қўрққанидан бошқа хонага ўтиб олишди.Хона эшига эса қулфланиб қолди. Қолган уч бола ташқарига чиқолмай ёнғин ичида қолиб кетди...

Қўшкўпир туманидаги И. Иброҳимов номли жамоа хўжалигида техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишловчи Аминбой Абдуллаев ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя қилганида ҳамда болаларини уйида қаровсиз қолдирмаганида бундай фожиа содир бўлмаган бўларди.

# ЙЎЛНИ ТАЛАФОТЛАРСИЗ БОСИБ ЎТА ОЛАМИЗМИ?

**Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 25 июнда сўзлаган нутқида иқтисодиёт соҳасида жиноий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш борасидаги мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва бу йўналишдаги аниқ вазифалар таърифлаб берилди. Ана шу катта ва мураккаб муаммони ҳал этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тегишли вазирлик ва маҳкамаларнинг аксарияти иштирок этиши керак. Ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда, кўп жиҳатдан бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бугунги вақтинчалик қийинчиликлар, шак-шубҳасиз, бартараф этилади. Биз бу йўлни қандай талафот ва ютуқлар билан босиб ўтишимизни, ўзимиз учун қандай фойдали нарсалар олиб, бугунги ҳаётга қадам қўяётганларга нималар беришимизни ойдинлаштириш жуда муҳимдир.**

**Бугунги ўсмирлар, ёшлар — республикамизнинг эртанги куни, унинг умиди, истиқболидир. Буни кўплар англаб етмоқдами, масъулият туйғусини ҳис қилиб эртанги кунни бунёд этишда фаоллик кўрсатишга қодир бўла оладиларми!**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги И. Хилватов билан суҳбатимиз ана шу, эҳтимол бир қадар умумий бўлган саволлардан бошланди.

— Йўқ, бу саволлар унчалик мавҳум ва бекорчи саволлар эмас, биз чиндан ҳам жиддий бурилиш даврида яшаяпмиз. Унинг барча мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари изсиз йўқолмайди, балки ёш авлоднинг, вояга етмаганларнинг фикр тарзи, хулқ-атвори ва баъзи муносабатларда, менимча, ғоятда равшан намоён бўлмоқда. Зеро, улар, маълумки, яхши нарсаларни ҳам, афсуски, ёмон нарсаларни ҳам ўзларига тезроқ қабул қилиб оладилар. Жумладан, ҳозир ҳаётимизда нималар юз бермоқда? Қисқа қилиб айтиш мумкинки, ҳаётимизни тобора кўпроқ тижорат эгаллаб олмоқда. Хусусий бўлган магазину дўконлар анчадан бери ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйди. Доимий савдохоналардан ташқари кўчаларда нарса сотувчилар ҳам кўп. Ана шу қўлбола пештахталарнинг ортида кўпроқ ёшлар, ўсмирлар савдо қилмоқда.

Уларни бу ерга нима жалб этмоқда? Тезда бойиш, олиб сотиш натижасида қўлга киритилган мўмай пуллар. Улар ҳали бу бебилиска пулларнинг баҳосини билмайдилар, лекин "ёввойи" бозорнинг ўзгармас қоидаларини яхши ўзлаштириб олишган: пулнинг ҳиди йўқ, сотиб ол ва сот, бойишга ҳаракат қил қабилида иш кўрмоқдалар. Улар чинакам инсоний ва ижтимоий муносабатлар заминига асосланган энг муҳим ахлоқий негизларни ўзлаштирмасдан, корчалонлик ва манфаатпарастлик дунёсига шўнғиб кетдилар. Уларнинг бу дунёсида кишилар самимийлик, ҳалоллик, камтарликка асосланган хатти-ҳаракатларга қараб эмас, балки пулли ҳамёнининг қанчалик катталиги ва "яшай билиш" маҳоратига қарабгина баҳоланадилар.

**— Нохушроқ манзарани тасвирлаб бердингиз. Бу нарса, аввало биз гапираётган ўсмирларнинг ота-оналарини ташвишга солмаслиги мумкин эмас, албатта!**

— Ҳа, суҳбатимизда ота-оналарни четлаб ўтиб бўлмайди. Нималар юз бераётганига бир назар ташланг. Ота-оналарнинг ҳомийлигидек кенг қабул қилинган тушунчага дарз кетди. Ўсмир уйга бир талай пул олиб келади, "Қаердан олиб келдинг?" деган саволга ўғирланган пул эмас, деган жавобни олган ота-оналар тинчланадилар. Кўп ота-оналар ўз фарзандларининг ошна-оғайнилари билан нарса сотиб юрганларини яхши биладилар ва бунга очиқдан-очиқ йўл қўядилар.

Ота-оналарнинг бир қисми, айниқса товар-моддий бойликлар билан иш тутадиган, мамлакатдан ташқарига тижорат сафарларига чиқиш имкониятига эга бўлган кишилар, савдо ва тақсимот соҳаси ходимлари, мавжуд олағовурлардан фойдаланувчи кимсалар ўз болаларини "ҳуфия" бизнес билан боғлиқ турли фирибгарликларга тортмоқдалар.

Кундалик суҳбатларда, дўст-оғайнилар, қариндош-яқинлар билан дастурхон атрофидаги ўсмирлар кўз ўнгида юз берадиган дилхушликлардан улар онгига ашаддий молпарастлик, манфаатпарастлик ва охир-оқибатда, икки ёқлама ахлоқ, беорлик туйғулари сингдирилади. Ўсмирнинг шаклланиб улгурмаган идроки янги ахлоқ меъёрлари билан "бойийди", "ишбилармон" бўлсам, олди-сотди ишларидан фойда кўраётган бўлсам, нимага дарслик ва асарларни мутолаа қилишим керак ёки ҳунар ўрганганим менга нима берарди, деб ўйлай бошлайди. Кейин ўша ота-оналарнинг ўзлари ўғлимни йўлга солиб бўлмаяпти, яхши нарса нимаю ёмон нарса нималиги тўғрисидаги панд-насиҳатларни бир пулга олмаяпти, деб шикоят қиладилар. Унда эса кеч бўлади.

Яна бир нохуш манзарани олиб кўрайлик. Ўсмир ўзининг яқинлари кўмагида сигарет, пиво, ҳатто спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланади. Аминманки, у ўзи сотаётган нарсаларнинг таъмини тотиб кўрмайди деб ҳеч ким кафиллик бера олмайди. Яъни ана шу боланинг ота-оналари, энг яқин кишилари онгли равишда уни зарарли одатлар оламига ундайдилар. Бундан ёмонроқ нарса борми ахир?

Ёшлар, ўсмирларнинг бир қисми чайқовчиликка асосланган савдо-тижорат-воситачилик фаолиятига кириб келиши ғоятда жиддий муаммога айланиб бормоқда. Енгил-елпи йўллар билан топилган йирик миқдордаги пул ҳали думбул бўлган ёш қалбларни бузади ва ёмон йўлга бошлайди. Турли хилдаги "болалик шўхликлари" учун масъулият асосан ота-оналарнинг зиммасига тушади. Амалиётда улар кўпинча ана шундай қонунларни билмасликларини рўкач қиладилар, лекин бу ерда сўз кўпроқ муайян қонунларни билишни истамаслик тўғрисида бормоқда. Нима-учун ҳуқуқшунос билан, вояга етмаганлар ишлари бўйича назорат ходими билан маслаҳатлашиш, мисол учун ўспирин ўғилни ёз ойларида қаерга ва қандай қилиб ишга жойлаштириш хусусида маълумот олиш учун меҳнат биржасига кириб чиқиш мумкин эмас? Вояга етмаган "ишбилармон" сотаётган мол мусодара қилиниб, ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмагани ҳолда соттани учун жарима солингандагина ота-оналар афсус чекадилар, қонун-қоидаларни яхши билмасликларини рўкач қиладилар.

Яна бир жиҳатни тилга олмоқчиман. Хизмат вазифаси қоидасини бузиб, вояга етмаганларга яхна ичимликлар, сигареталар, бошқа молларни улгуржи сотиб, каттагина "устама" ишлаб оладиган савдо ходимлари анчагина. Ўсмирлар билан суҳбатлашамиз, молни қаердан олганликларини аниқлаймиз. Савдодаги ана шу "савобталаблар" огоҳ бўлсинлар: ишдан бўшатиш, моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимдан узоқ . муддатга четлаштириш, такрорланилган ҳолларда эса ҳатто жиноий иш қўзғаш сингари ғоятда қатъий чоралар кўриш учун вояга етмаганнинг кўрсатмалари етарли асос ҳисобланади.

**— Илҳом Хилватович, бозор муносабатлари соҳаси билан бўлиб, мактаб, ўқув юртларини унутиб қўйдик шекилли. Уларнинг роли, тўғрироғи вазифаси ҳақида нима дейиш мумкин! Ёки таътил вақтида педагоглар ҳам дам оладими!**

— Жуда ўринли савол. Айни ёзги таътил вақтида ўқитувчилар баъзан ўз ўқувчиларини назорат қилмай қўядилар. Наҳотки болаларни мактабга тўплаш, улар нима билан машғуллиги хусусида қизиқиб кўриш мумкин бўлмаса? Зеро ўзини савдо-сотиққа урган ўқувчилар одатда хулқ-атворда ҳам, давоматда ҳам намуна бўладиган болалардан эмас. Мана шунда уларни назорат қилиш, тўғри йўлдан бутунлай тоймасликлари учун ҳаракат қилиш, тўғри йўлга олиб чиқиш зарур. Афсуски, ўқитувчилар жамоаларидан криминал мойилликлари бўлган ёшлар тўғрисида ёз ойларида бизга, ВЕИН ходимларига жуда оз ахборот келиб тушади.

**— Энди бевосита вояга етмаганлар ишлари бўйича назоратлар фаолиятига келсак.**

— Ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан биргаликда режа асосида ўтказилган "Ўсмир", "Ертўла", "Ғамхўрлик", "Тозалаш" сингари умумий тадбирлар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузишларнинг олдини олиш борасида ҳам, муайян жиноятларни очиш ишида ҳам ижобий натижаларни берди. Чунончи, Тошкентда ўтказилган "Бозор" тадбирида ноқонуний савдо-сотиқ қилганлиги учун 283 ўсмир ушланди ва маъмурий жавобгарликка тортилди (албатта, асосан ота-оналари). Шубҳасиз, республиканинг бошқа минтақаларида ҳам ўтказилган бундай тадбирлар катта самара берди.

Лекин бу ишга маҳалла қўмиталарининг обрў-нуфузи, кенг жамоатчилик, яъни сиз билан биз яқиндан жалб этилсак, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузишларни бартараф этиш иши янада салмоқли натижалар берган бўларди. Яна бир мисол. Ёнилғи-мойлаш материаллари савдосини тартибга солиш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди. Бунгача машина турадиган жойларда ва чорраҳаларда канистрларини кўтариб, бензин сотиб юрган ўсмирлар кўп учрарди. Умумий куч-ҳаракат билан бу соҳада қисқа муддат ичида тартиб ўрнатишга муваффақ бўлинди.

Ҳар бир маҳаллада кўпни кўрган, тажрибали қариялар, юристлар, депутатлар, ўқитувчилар ҳам яшашади. Нима учун улар нарса сотиб ўтирган ўсмирни кўрганда: кимнинг боласисан, нега мактабга бормаяпсан, сигарет ёки сақични қаердан олдинг деб сўрамайдилар? Ахир, шундай қилса бўладику, уларга нима халақит бермоқда?

Ғоятда гавжум машина йўлларида автомашиналарни юваётган ўсмирларга бир назар ташланг. Ўсмирлар, уларнинг аксариятини болалар ташкил этади, машиналар ғиз-ғиз ўтиб турган жойни "эгаллаб", машинанинг ойнаси ва ён томонларини юва бошлайдилар. Бу нимага олиб келишини биларсиз? Ҳайдовчиларнинг эътибори йўлдан чалғийди — оддий қилиб айтганда, "қойилмақом" авария вазияти яратилади. Эҳтиётсиз қилинган ҳаракат навбатдаги йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлади. Ҳайдовчиларга ҳам айтадиган сўзларимиз бор. Агар машинангизни чиндан ҳам тартибга солмоқчи бўлсангиз, йўлнинг бахавотир қисмига ўтинг — шу ерда ювиб беришсин. Ҳеч кимга даъво ҳам йўқ, фожиа сабабчиси бўлишдек виждон азобига ҳам дуч келмайсиз. Ҳар бир устун олдига посбон қўйиб бўлмайди, ўзимиз ҳам номақбул вазиятлардан қочишимиз, асосийси — уларни яратмаслигимиз керак.

**— Ўсмирлар жиноятчилиги, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш битта суҳбат учун кифоя қиладиган муаммолар эмас. Биз республика Президентининг нутқидан келиб чиқиб, тартибсиз бозор эпкинининг ёш авлодга таъсирига дахлдор бир жиҳатинигина тилга олдик. Эҳтимол, бугунги кунда бой берилган авлод тўғрисида гапиришга ҳожат йўқдир!**

— Албатта, йўқ. Акс ҳолда ишимиздан қандай фойда бўлади? Биз тилга олган муаммолар бўйича бутун ахборот қунт билан туркумлаштирилади, таҳлил қилинади ва республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади. Ишончим комилки, мулоҳаза, хулоса ва таклифларимиз ўрганиб чиқилиб, улар асосида болалар ва ёшлар билан ишлайдиган ҳар бир идора, жамоат ташкилотининг фаолиятига тегишли баҳо берилади, улар ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларига тузатишлар киритадилар.

**Суҳбатдош А. ВОРГУДЯЕВ.**

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКНИНГ ҚИММАТГА ТУШАДИГАН БАҲОСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ҳудудида хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг саноат-энергетика объектлари, йирик корхоналар, ижтимоий аҳамиятдаги иншоотлар қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳрида "Мерседес-Бенц", Андижон вилоятининг Асака шаҳрида "ЎзДЭУавто" қўшма корхоналарига қарашли автомобиль заводлари, Қорақалпоғистонда, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятларида тўқимачилик мажмуалари, Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш заводи, Қашқадарё вилоятида Толимаржон ГРЭСи қурилмоқда, Наманган ва Қашқадарё вилоятида "Мингбулоқ" ва "Кўкдумалоқ" йирик нефть конлари ишга туширилмоқда.

Ана шу объектларни тўла-тўкис фойдаланишга топшириш республика иқтисодиётини жадал ривожлантириш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш имконини беради.

Ана шу муносабат билан республика ёнғиндан муҳофаза қилиш соҳаси ходимларини қурилиш майдончаларида, ишга туширилаётган бинолар ва иншоотларда ёнғинга Қарши ишончли ҳимояни таъминлаш аҳволи алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

1994 йилнинг биринчи ярмида янги қурилишларда юз берган ёнғинларга доир маълумотлар ана шу муаммо аввалгидек кескин бўлиб қолаётганидан дарак беради. Янги қурилишларда бу даврда жами 75 та ёнғин юз бериб, 3687 минг сўм-купон миқдорида зарар етказилган. Ёнғинларда уч киши ҳалок бўлди. Ёнғинларнинг 22,1 фоизи техника ускуналаридан фойдаланиш қоидалари бузилиши; 20,2 фоизи — болаларнинг шўхликлари; 16 фоизи — оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш; 18 фоизи — рўзғор иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши; 11,3 фоизи — чекиш; 11,1 фоизи — пайвандлаш ва олов билан боғлиқ бошқа ишлар туфайли юз берган. Ёнғинларнинг энг кўп қисми — 27 фоизи Тошкент шаҳрида, 15 фоизи Тошкент ва 8 фоизи Навоий вилоятларида юз берган.

Чунончи, апрелда "Ўзгўштсутсавдо" бирлашмасининг Тошкент вилоятидаги Зангиота туманида қурилаётган тақсимлаш музхонасида ёнғин юз берган. Электр ускуналаридан техникавий фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ёнғинга сабаб бўлган, натижада давлатга 508 минг сўм-купон миқдорида зарар етказилган. Ёнғинда 1000 квадрат метр майдондаги совутгич камераларининг иссиқлик изоляцияси ҳам шикастланган. Объектни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 6-тресги (бошқарувчи И. Соломин), 127-кўчма механизациялашган колонна (бошлиғи Р. Мўминов) олиб бормоқда. Давлат ёнғин назорати идораларининг талабларига қарамай, бу қурилишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари қўпол равишда бузилган: электр симлари нотўғри монтаж қилинган, ёнғинни ўчиришнинг дастлабки воситалари, ёнғинни ўчиришда ёрдамга чақириш учун телефон ёки радио алоқаси бўлмаган, ўт ўчиришда фойдаланиш учун сув сақлайдиган ҳовузлар қазилмаган. Бундай камчиликлар ёнғинларни ўчиришни мушкуллаштирган

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида қурилаётган қоғоз фабрикасида шу йилдаёқ икки марта ёнғин юз берди, улар электр ускуналарини монтаж қилиш қоидаларини менсимаслик ва электр ёритиш асбобларидан фойдаланиш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши сабабли юз берган.

Ёнғинларнинг кўпчилиги об-ҳаво шароити ёмонлашган куз ва қиш фаслларида юз беради. Бу пайтда қурилиш объектларининг ишчилар дам оладиган хоналарини иситиш зарурати туғилади. Кўпинча ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаган ҳолда вагончалар ва ёрдамчи хоналарга ўрнатиладиган қўлбола электр билан иситиш асбобларидан, печкалардан фойдаланилади. Иситиш печкалари қизитиб юборилади ва электр асбоблар кечаси ўчирилмайди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини назар-писанд қилмаслик, оғир оқибатларга ва кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши унутиб қўйилади.

Чунончи, Сирдарё вилоятининг Ховос туманига қарашли "Ширин" давлат хўжалигида февралда объектларнинг бирини таъмирлаш чоғида вагончада ёнғин чиққан. Унда бир киши ҳалок бўлган, иккитаси оғир жароҳат олган. Бунга эҳтиётсизлик сабаб бўлган.

Январь ойида Ангрен шаҳридаги Қорабоу қўрғонида қурилаётган уйда ёнғин чиққан. Рўзғорда иситиш асбобларидан фойдаланиш чоғида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида юз берган ёнғинда бир киши ҳалок бўлган.

Масъулиятсизлик, қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда ёнғин хавфсизлиги тадбир-чораларга бепарволик, кўриниб турганидек, кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиши, каттагина моддий қийматларни йўқ қилиши мумкин. Кўпинча ёнғиндан муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг қатъий ҳаракатлари туфайлигина оғир талафотлардан қутулиш мумкин бўлмоқда.

Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, ҳар бир қурувчи ва республиканинг барча фуқаролари ёнғинларнинг олдини олиш масаласи ғоятда муҳимлигини тушуниб етишлари, барча янги қурилишларда, ҳар бир иш жойи ва дам олинадиган хоналарда ёнғин хавфсизлиги талабларига доимо амал қилишлари керак.

**А. ПУГИН,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ илмий-техника бўлимининг бош мутахассиси, ички хизмат майори.**

# БЕҒАМЛИККА БЕГОНА ЙИГИТ

Умаржон Солиев 1952 йили Хўжаобод туман А. Набиев номли жамоа хўжалигида деҳқон оиласида туғилган. 1969 йили мактабни тамомлаб, Фарғона педагогика олий билимгоҳи чет тиллар куллиётига ўқишга киради. Уни муваффақиятли битиргач, ўзи ўқиган мактабда ишлай бошлайди. 1979 йилдан бошлаб туман Ички ишлар бўлимида хизмат қилади. Камтар, камгап, лабида доимо табассум, бироқ иш юритиши қатъий.

Умаржон акани учратиш қийин бўлди. Боиси, у участка катта вакили вазифасида ишлаётган қишлоқ кенгаши ҳудудида ипакчилик давлат хўжалиги, Мадиёров номли агросаноат комбинати, шунингдек, ароқ-вино заводи, учта билим юрти, икки қурилиш ташкилоти, Марказий Осиёда ягона полимер идишлар заводи бўлиб, 17 хил миллат вакилларининг ўттиз фоизи ёшлар экан.

У. Солиев билан суҳбатлашар эканман, ўзимнинг ҳам милиция ходими фақат қаттиққўл, бағритош, қўпол бўлади, деган тушунчам тўғри эмаслигига амин бўлдим.

Ёшу қари Умаржон акадан миннатдор. Ҳар бир уйга, корхонага, мактабга тез-тез ташриф буюради, суҳбатлашади, ёрдамини беради.

— Илк бор форма кийиб, хизмат бошлаган вақтларим эди, — деб эслайди у, — Хўжаобод қишлоқ кенгашининг Янгичек маҳалласидаги хонадонларнинг биридан 15 бош қўй йўқолгани ҳақида хабар олинди. Зудлик билан тузилган гуруҳга мен ҳам аъзо бўлдим. Қидирувлар бошланди. Ўн кундан сўнг жиноятчи ва қўйлар қўшни тумандан топилди. Ўшанда қўй эгасидан кўра кўпроқ мен севингандим.

Дарҳақиқат, одамлар мушкулини осон қилишдан улуғроқ бахт борми? Умаржон аканинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқин вақт ичида бир неча хонадонларга кириб ўғирлик қилган жиноятчилар ушланди, гиёҳвандлик моддаси сотиш билан машғул жиноятчилар фош этилди. Охирги воқеа: комбинат ўрамидан учта қўй ўғирлаб кетилганди. Барча маълумотларни тўплаб, синчиклаб ўргангач, Умаржон ака жиноятчи изидан тушди. Эринмади, атиги учта қўй-ку, демади. Шу учта қўй ўша оиланинг юрагига қувват, дардига шифо, ниятига пиллапоя эканлигини биларди. Ҳаракатлари зое кетмади. Ўғри Қирғизистоннинг Жилисув деган жойидан ушлаб келинди. Мулк эгасига қайтарилди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, қишлоқ кенгаши ўрамида жиноятлар бошқа ҳудудларга қараганда паст эмас. Сабаблари юқорида айтилди. Бироқ содир этилган жиноятларнинг очилиши, профилактик ишларнинг кўлами ҳам юқори.

— Хизматга янги кирган вақтларим устозим, марҳум (жойлари жаннатда бўлсин) Қобилжон ака Узоқов: "Ўғлим, кийим сенга ярашибди, сен ҳам шу кийимга яраша бўл!" — деган эдилар. Йиллар ўтиб, бу тилло насиҳатнинг мағзига етдим. Ҳақиқатдан милиция ходими бўлиш форма билан атрофдагиларни чўчитиб, қўпол, даргазаб ҳолда юриш дегани эмас, албатта. Форма кийганлар атрофдагиларнинг тақдирини, ҳаётини, тинчлик-хотиржамлигини ўйлайдиган, ҳимоя қиладиган касб эгаларидир. Бу касбни танлаганлар — ашаддий жиноятчи-ю, қоидабузарлар учун қаттиққўл, муросасиз, қатъий, яхши инсонлар учун очиқ юзли, хушмуомала, меҳрибон бўладилар.

Назаримда шу гапларни гапирган Умаржон Солиевнинг ўзида юқоридаги ҳақиқий милиционерга хос хислатлар мужассам эди. Ҳа, шундай.

**Маъруфжон МУРОДОВ,**
**Хўжаобод тумани.**



## СУРАТЛИ АХБОРОТ

Сирдарё вилояти ИИБ ДАН бўлимининг инспектори, милиция кичик сержанти Аҳмаджон Холматов хизматдош ўртоқлари ўртасида катта обрўга эга. У ўзининг бурчини сидқидилдан бажариб келмоқда. ДАН бўлимида А. Холматов 1989 йилдан бери хизмат қилади, ички ишлар идораларида ишлаётганига эса тўққиз йил бўлди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли йўлда машиналарнинг ҳалокатга учраши, йўл ҳаракати қоидаларини бузишлар анча камайди.

СУРАТДА: милиция кичик сержанти А. Холматов ҳайдовчининг ҳужжатини текширмоқда.

**Ҳ. ШОДИЕВ** олган сурат.

# ЧЕТ ЭЛДАГИДАЙ БЎЛМАДИ

...Экрандаги воқеа-ҳодисалар кескин тус олди. Биров қочган, биров қувган. Ана, орқасидан келган одамни кўрмасдан, қўлидаги тўппончани рўпарасидаги рақибининг нақ пешонасини мўлжаллаб тепкини босай деганда, қилдек ингичка сим яшин тезлигида ўзининг нақ кекирдагига чиппа ёпишди-ю ҳозиргина ғолиблик нашидасини суриб, гердайиб турган қаҳрамон "вой" дейишга улгурмай жон берди...

Тун бўйи кўрган олди-қочди, урсур фильмлардан Алёшанинг боши ғовлаб кетди. "Қойил-е, — деди ўзича хаёл суриб, — битта фильмда қанча одам ўлдирилади, битта инсон, ҳой,ким, нима қилди, нега ўлдирди, демайди-я! Ана ҳаёт, мана ҳаёт. Қанийди, бизда ҳам шунақа бўлса, ким нима хоҳласа, шуни қилса".

Алёша кечгача ҳали у, ҳали бу "видео"га бориб, кино кўриб, сандироқлаб юрди. Кечга томон кўчада тасодифан таниши Эргашни учратиб қолди-да, оёғи остидан олтин топиб олгандек, қувониб кетди. Чунки бугун кечқурун ичкиликни қаердан олиш муаммоси уни қийнаб турган эди. Эргаш ҳам худди кўнглидагини билгандек, унинг қўлига ўн минг сўмкупон тутқазиб, "бор, ичкилик топ", деди. Бу ёғи худди детектив фильмлардагидек давом этди.

...Кўчага ҳайдаб чиқарилган Эргашнинг алами келди. Ичкиликка пул берган одамнинг ҳурмати шуми? Биргаликда қўшилиб ичишсин-да, энди буни кўчага ҳайдаб чиқаришсин! Йўқ, бунақаси кетмайди! Кайфи ошган Эргаш зарб билан хона эшигини тақиллатаверди. Уй айвонидан оҳиста ўтиб келган Алёша тунда кўрган киносидагидек иш қилди — пойлаб келиб, шартта унинг бўйнига чилвир ташлади, эсанкираб қолган Эргаш ўзини ўнглаб олгунча, Алёша уни қаттиқ буғиб, ҳолдан тойдирди. Алёша Эргашни қўйиб юборганди, у "гуп" этиб йиқилди. Алёша қўлларини бирбирига ишқаб артган бўлди-да, пинагини бузмасдан яна қайтиб бувиси ва холаси ёнига кирди. Совуққонлик билан қолган-қутганларни еб-ичиб бўлгач, қурбонидан бир хабар олиб, аниқ ўлган-ўлмаганини билгиси келди. У ётган жойга бориб, бошига бир неча марта қаттиқ тепди, Эргаш қимирламади. Юрагига қулоқ солди — жим, демак, ўлибди. Алёша ўзининг қаҳрамонлигидан қувониб кетди. Эркак деган шундай бўлади. У уйга қайтиб келиб, холаси Наташага қилган ишини гўё мушук ўлдиргандай оддийгина қилиб айтди ва ўликни кўмиб ташламоқчиман, деди. Тошбағирликда ўн саккиз ёшли жиянидан қолишмайдиган хола ҳам:

— Э, шу пайтда, қоронғуда ер қазиб, овора бўлиб юрасанми? Яхшиси, нарироққа олиб бориб ташлайлик, кимга керак бўлса, олиб кетар, — деди. Ҳола-жиян Эргашнинг жасадини қўлларидан боғлашди ва бир боғ ўтинни судрагандек судраб, нарироқдаги кўча ёнидан ўтадиган ариққа ташлаб юбордилар... Уйга келиб, ҳатто қўлларини ҳам ювмай, тузукроқ кино кўймаётганларни сўкасўка уйқуга ётишди.

Эртасига эрталаб Ойбек номли кўча, 1-уйда яшовчилар уйларининг орқасидаги ариқда ўлик ётганини кўришди. Буёғи Алёша ўйлагандек, чет эл фильмларига ўхшаш бўлмади. Жасад топилгани ҳақида хабар тарқалиши биланоқ, Задарё туманида тўс-тўполон бўлиб кетди. Орадан атиги икки кеча-кундуз ўтиб-ўтмай, марҳумнинг кимлиги, шу билан бирга, унинг ўн саккиз ёшли қотили ҳам аниқланди. Прокуратура ва ички ишлар бўлими ходимларининг тезкор қидирув, тергов ҳаракатлари чет эллардагидек эмас экан. Ҳеч қаерда ишламайдиган, ўқимайдиган, қиладиган иши топиб-тутиб спиртли ичимлик ичиш, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олишу "видео" кўриш бўлган, Ойбек номли кўчанинг 5-уй, 6-хонадонида яшовчи Буков Алексей Сергеевич айбини тан олди. "Нега энди чет эл фильмларида одам ўлдиришга унчалик аҳамият берилмайди-ю булар битта одамга шунча ғавғо кўтаришади?" — дея таажжубланган Алёша қилган ишини сўзлаб берди...

**А. ИРАНОВ,**
**Задарё тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.**
**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**журналист.**

# ОЛТИН МАШМАШАСИ

## Жиноят ва жазо

МАМАТРИЗА ҚОРА терга ботганича уйғониб кетди. Қўрқинчли туш кўрганидан бирор дақиқа ўзига келолмай ўтирди: У "дир-дир" қалтираганича атрофга аланглади. Тўғрироғи, сандиғини излади. Унинг жойида турганлигига ишонч ҳосил қилгач, эмаклаб унинг ёнига келиб очди.

Пешонадаги терни қўли билан артди-да, тугунчани қўлига олди ва уни кўкрагига босди. Юрагининг типирчилаши аста-секин босилгандек бўлди. Танадаги ҳолсизлик ўрнини аллақандай куч эгаллади. Маматриза ўрнидан турди-да, ётоғига чўзилди. Аммо қўлидаги тугунчасини қаерга қўйишини билмай боши қотди. Охири уни ёстиғининг тагига жойлади. Кўнгли анча хотиржам бўлгач, бошини ёстиққа қўйди. Ухламоқчи бўлди-ю, ҳозиргина кўрган туши эсига тушди. Узоқ ётди. Ҳадеганда тонг ҳам ёришавермади.

Эрта тонгда, қуёш чиқмасданоқ дўстиникига отланди. Уйида эди.

— Тинчликми? — сўради у Маматризанинг эрта тонгдан уйига ташриф буюрганидан хавотирланиб.

— Маслаҳатли иш чиқиб қолди. Шунга олдингга келгандим.

— Қани, уйга кир. Чой ичиб бафуржа гурунглашамиз.

— Кейинги гап, — эътироз билдирди Маматриза ва мақсадга ўтди. — Менда бувамдан қолган олтин тангалар бор эди. Ўшани оладиган киши бўлса сотмоқчиман.

— Ҳазилингни қўй, — деди дўсти Маматризанинг гапларига ишонқирамай. Қани, юр ичкарига, чой ҳам совуб қолгандир.

— Ҳазиллашаётганим йўқ, — деди Маматриза ичкарига кириб бораётган дўстини тўхтатиб. — Ҳақ гапни айтаяпман. Агар оладиган одам бўлса, сотмоқчиман.

— Бўлмаса гап бундай. Менинг "бизнес" билан шуғулланадиган бир танишим бор. Шунга айтиб кўраман. Агар тангаларингни оладиган бўлса, кечқурун уни уйингга бошлаб бораман.

Маматриза дўстининг гапларидан кўнгли хотиржам бўлиб ортга қайтди. Кайфиятида аллақандай тетиклик сезди. У тўғри бозордаги сомсахонасига келди ва шогирдлари билан хамир қориб сомса тайёрлади. Харидорлар кўплигидан "кирим" ҳам чакки бўлмади. Хуллас, Маматриза ҳар кунгидан эртароқ уйига қайтди. Ҳали кеч тушишига эрта бўлса-да, меҳмонларни кутишга ҳозирланди. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Маматриза оёғини қўлига олганича ташқарига отилди.

— Мана биз келдик, — деди дўсти ёнидаги танишини ичкарига таклиф қилиб, — бояги айтган танишим, исми Леонид. Тижорат ишлари билан шуғулланади.

Маматриза меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Ўртага дастурхон ёзиб, ноз-неъматлардан келтириб қўйди. Суҳбат қизиб кетди. Шунда Леонид мақсадга кўчиб қўя қолди. Маматриза ҳам шуни кутиб ўтиргандек сакраб ўрнидан турди-да, тугунчадаги олтин тангалардан бирини олиб чиқди.

— Ҳақиқийми ўзи? — сўради Леонид тангани қўлига олганча.

— Бувамдан қолган соф олтин танга. Сотмоқчи эмасдим-у, аммо пул зарур бўлиб қолди. Шунга...

Леонид олтин тангани эринмай томоша қилиб чиққач, қанчага беришини сўради.

— Ҳар бири юз минг.

— Арзонроқ бўлмайдими? — сўради Леонид.

— Заргарларга сотадиган бўлсам 200 мингга тўхтатмай олишади. Мен эса сизга ярим баҳосини айтаяпман.

— Майли, розиман. Эртага 10 тасини олиб кетаман.

Меҳмонлар тарқалишди. Леонид шошилганича уйига келди-да, Красноярскда яшовчи акасига қўнғироқ қилди. Тангалар ҳақида эшитган акаси тезда ҳарид қилиб, Красноярскка олиб келишини буюрди. Фойданинг бир қисмини беражагини ҳам айтди. Катта миқдордаги "ўлжа"ни эшитган Леониднинг уйқуси келмади. У тезда кийиниб, автосаройлардан бирида ишловчи дўсти Сакен Чигинбаевнинг олдига келди. Унга бор воқеани ётиғи билан тушунтириб берди. Агар 1 миллион сўм топиб берса унга катта миқдорда пул беражагини айтди. Дўстининг бу гапи Сакенни "маст" қилди. У жон деб бу ўйинга қўшилмоқчи-ю, лекин начора, пул йўқ. Бу икки дўст пул топиш чорасини излай бошлашди. Таниш-билишларга қўнғироқ қилишди. Лекин иложи бўлмади. Шу пайт Леонид миясига келган фикрдан қувониб кетди.

— Сакен, йўлини топдим. Лекин сен қаршилик қилмасанг.

— Хўш, айт-чи? — сабрсизлик билан сўради Сакен.

— Биз Маматризадан олтин тангаларни оламиз-у, бир миллион сўм ўрнига гаров сифатида сенинг машинангни қолдирамиз. Мен узоғи билан 15 кун ичида Красноярскка бориб, тангаларни акамга топшириб, пулларни олиб қайтаман.

— Таклифингга розиман-у, лекин Маматризани кўндириб бўлармикан?

— Бу ёғини менга қўйиб бер, — деди Леонид.

Улар шу куни кечқурун Маматризанинг уйига келишди. Леонид бир йўлини қилиб уни рози қилди ва 10 олтин тангани олиб Красноярскка учиб кетди. Орадан 16 кун ўтгач, Леонид Сакен билан Маматризанинг олдига келишди. Маматриза уларнинг бир кун кечикиб келганликларини айтди ва энди машинани бир неча миллионга қайта сотиб олишларини таклиф қилди. Ишнинг чигаллашаётганини сезган Леонид хотинининг олтин сирға ва узукларини келтириб бермоқчи бўлди. Маматриза бунга рози бўлмади.

Хуллас, бу келишмовчиликдан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хабар топди. Гиёҳвандликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Эркин Ражабов раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди ва ишга киришди. Осойишталик посбонларининг дадил ҳаракати туфайли олтинфурушлар қўлга олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди Леонид Пак ва Сакен Чигинбаевларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддаси билан айбдор деб топди ва уларни 4 йилга озодликдан маҳрум этди. Олтин танга сотиб бойлик орттирмоқчи бўлган Маматриза Ниязимбетов ҳам қилмишига яраша жазоланиб олтин танга машмашасига якун ясалди.

**Х. ЖАББОРОВ,**
**"Постда" мухбири.**

*Абдулла ИСМОИЛОВ*

# БУХОРОНИНГ АСИЛ ЙИГИТЛАРИ

## ҚИССА

Нима ҳам қила олардик, чамаси, ҳаётимизнинг ўзи ана шундай тузилганга ўхшайди: агар милиционер бўлсанг, тут, қанча кўп ушласанг, шунчалик яхши ишлаган ҳисобланасан. Менинг ишларим эса нимагадир нуқул аксинча бўлади: жиноят ишини якунлаб, менинг иштирокимда тутилган кишилар суд қилинганида кўпинча ўзимда узоқ вақт айбдорлик ҳиссини сезиб юраман. Лекин, эҳтимол, мен такроран ўғирлик қилишдан тийиб қолган кишилар ҳам бордир. Ҳатто биринчи марта ўғирлик қилишдан ҳам сақлаб қолгандирман.

"Жиноятнинг олдини олиш" деган тушунча бор. Биз унга "алоҳида эътибор" берамиз. Лекин бу тушунчанинг мазмуни қандай? Огоҳлантириш, олдини олиш.... Аслини олганда ҳамма иш мана шундай кечади. Мендан ҳар ойда, ҳар чоракда, ҳар йилда юқори учун ҳисобот беришимни, қанча суҳбат ўтказиб, қанча тингловчи қамраб олинганлигидан хабардор қилишимни талаб этишади. Мен ҳам мажбур бўлиб рақамларни қалаштираман. Бунинг устига, рақамлар ошиб бораверади. Ўйлайсизки, кимдир мен кўрсатган рақамларни текшириб чиқади? — Толиб Ҳайитович жилмайди, лекин табассуми қандайдир маъюс чиқди.

Агар суҳбатни мен бошлаб берганимда шу ерда тўхтатиб қўйган бўлардим. Лекин унинг ўз кўнглини бўшатиб олмоқчи бўлганини ҳис этдим. Жимгина тинглашга давом этаман.

— Менинг бошлиқларим учун ўз бошлиқларига ана шундай тарзда ҳисобот бериш қулайроқ, улар ҳам рақамларни ана шу принципга асосан "қалаштирадилар", ана шу йўл орқали ўзлари учун қулайлик, ўтирган курсиларининг мустаҳкам бўлишини таъминлайдилар. Мени ана шундай суҳбатларни ёқтирмайди деб ўйламанг, тингловчилар кўп бўлса, қизиқиб тингласалар хурсанд бўламан. Ҳатто бугуннинг ўзидаёқ "жиноятнинг олдини олиш бўйича ҳисобот рақамларини қўшиб ёзишларсиз ҳам беш баробар ва ўн баробар кўпайтиришим мумкин. Қандай қилиб? Бунинг иложи осон. Қўлимдаги ходимларнинг ҳаммаси муайян ҳудудларга бириктирилган. У ерларда эса ўқувчилар, нафақадорлар, яъни мактаб, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари ва ҳоказолар бор. Учрашадилар, суҳбатлашадилар. Ана шундай суҳбатлардан фойда борми? Албатта, бор. Лекин бу фойданинг салмоғи катта эмас. Лекин мен сиз билан суҳбатлашдим, устоз, ўша кулфат келтирувчи тош ҳақида бир неча дақиқа гаплашдик, сиз бир соат вақтингизни сарфлаб бу ҳақда ёздингиз, мақолангиз газетада босилди (у унчалик кўп жойни эгаллагани ҳам йўқ), уни минглаб кишилар ўқишди — ўтган маълум муддат давомида поезд ойналарига қарата битта- ҳам тош отилмади — бу нарса маълумотномада кўрсатилмайди. Каламушлар пинҳона ўтиб турган тешикларни мустаҳкам ёпиб ташладик — бу ҳам маълумотномадан жой олмайди.

Жиноятнинг олдини олиш...

Милиционер ўғирлик қилаётган кишини тутади. Тутдими, раҳмат.

Бу унинг иши. Ўғри вақтинчалик ҳибсхонага, у ердан қамоқхонага йўл олади. Уни жиноят қилишга нима мажбур қилди, ким ундади, ўғирланган нарсани ким сув қилди — терговчи буларнинг ҳаммасини тергов қилинаётган жиноятчидан бирма-бир билиб олади, бунинг учун бор маҳоратини ишга солади. Унга ҳам ташаккур. Бу — унинг иши...

Менимча, жиноятнинг олдини олиш деганда бошқа нарсани тушуниш лозим.

Газеталарда бонг урилади: ташмачилар завод мулкини ўмариб ташиб кетмоқдалар. Нима қилиш керак? Қўриқчилар сонини кўпайтириш керакми? Уялтириш керакдир?.. Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Ташмачи учун ўғирланган нарсасини қўйнига солиб чиқиш ёки қоровул билан келишиб олиш шарт эмас, бирга ишлайдиган шериги билан тил бириктириб, ўғирлик молни деворнинг нариги томонига ташласа бўлгани. Ҳамма ташмачилик билан шуғулланаётган бўлса, кимни уялтириш ҳам мумкин? Лекин барибир нимадир қилиш, ана шу бемазагарчиликка барҳам бериш шарт-ку. Ҳар бир ишни жойида қаттиқ ҳисобга олиш, дўконларда ана шу ўғринча ташилаётган нарсалар бемалол бўлиши керак. Ана шунда ташмачиларнинг йўлига ғов қўйилади.

Ҳар бир жиноий ишда ўғрини тутиш чоғида кадр ортида қолувчиларнинг ҳаммасини ёруққа чиқаришга ҳаракат қиламан. Барчасини, каламушлар фойдаланган тешикларни маҳкамлаб ташлайман. Менга бўлмаса-да, бошқаларга бунинг фойдаси тегишига ишончим комил.

... Таъсирчан профилактиканинг туб мағзини нимада деб биласиз? Эгри йўлга кирган ҳар бир одам бунинг учун жазонинг муқаррарлигини англаб етсин. Ҳеч қандай хомтама бўлмасин. Бугун қўлга тушмаган бўлса, эртага албатта ушланади, лекин шунгача қўрқувда, титрабқақшаб, виждон азобида яшасин. Жазонинг муқаррарлиги — ана шу нарса керак.

Сиздан, устоз, яна бир илтимосим бор. Ёзувчи ва журналист сифатида сиздан сўрайман. Газеталарда ҳар бир жиноятчининг кимлиги ва нима учун ҳукм қилинганини кишилар ўқиб билишлари учун курашинг. Ана шу ахборот бир неча йўл бўлсин, бир оғиз бўлсин — бунинг аҳамияти йўқ. Лекин у алоҳида урғу билан ёзилиши керак. Атоқли шоирлардан бири нима деб хитоб қилганини эсларсиз? Кишиларнинг қалбини сўз билан чўғ олдир. Сизнинг сўзларингиз чўғи эгри йўлга юришга йўл қўймайди. Ёхуд эгри йўлдагиларни тўғри йўлга олиб чиқади...

Поездда кетаётганимда хаёлан тасаввур қилдим: Толиб Ҳайитович ўз иш хонаси деразаси олдида турибди ва ғилдираклар тақир-туқурини, поездимиз томири қандай ураётганини тингламоқда.

Мен ён дафтарларга битганларимнинг ҳаммаси фақат муқаддима эканлигини ҳис этган ҳолда Бухородан жўнаб кетдим....

**(Қисқартириб олинди).**

**(Давоми. Боши 45-46, 49-50, 53-54 57-60 сонларда).**

*Сергей ЯШЧУК*

# МУШУКЛАРДАН БОШЛАНДИ

## Ваҳшиёна воқеа

БУ ВОҚЕА КОМИ Республикаси колонияларидан бирида юз берди. Ўзининг аҳмоқлиги ёки қийинчиликка қарши туришга мардлиги етмаган, тақдир тақозоси ё патологик хусусияти зўри билан "зона"га тушган одамлар юраги аста-секин юмшаб, кимгадир ғамхўрлик қилишга эҳтиёж сезади. Ҳеч бўлмаса, мушукларга ғамхўрлик қилиши керак. Аммо, ҳамма ердагидай, мустасносиз қоида йўқ. Жуда кўплар муддатининг охиригача доимий қаҳр, агар аввалги омадсизлиги сабабчисини билмаса, ҳозиргисининг айбдорини қидириш билан ўтказади. Келинг, руҳий таҳлилни кейинроққа қўйиб, ҳар бир зонада саноқсиз бўлган мушуклар тўғрисида сўз юритайлик. Уларга ғамхўрлик қилишади, боқишади (ўзларининг арзимас улушидан энг яхши бўлагини бериб), эркалашади, ювиб-тарашади ва бир-бирларига суянишиб оғизларидан кўпик келгунча мақтанишади:

— Менинг Васкам-чи, сенинг Мурзигингдан кучлироқ, кунига каламуш тутиб келади!

— Лекин менинг Мурзигимдан зонадаги ҳамма мушук қочади, сенинг бақалоғингга қараб ҳам қўйишмайди.

Аммо бу воқеа мушуклардан бошланган бўлса-да, улар ҳақида эмас. Ҳа, воқеа Васькалар, Мурзик, Мурка, кулранг, жигарранг, ола мушуклардан бошланди...

Улар тўсатдан аллақаёққа йўқоларди. Бутунлай.. "Зона" бўйича қандайдир "мушукхўр" пайдо бўлгани ва у мушукларни тутиб юлинадиган ҳамма жойини юлиб олаётгани ҳақида миш-мишлар чиқди.

Бироқ "мушукхўр" топилмасди, сабаби эса оддий: ўша пайтда зонада у йўқ эди. Лекин маҳаллий тушунча бўйича ёмон бўлмаган болалар — Женя ва Слава бор эди. Улар ишчи зонасида фикрлари бўйича қизиқарли ва фойдаси ҳам бор экспериментлар ўтказардилар. Улар ишга чиқиб самогонга тўйиб олишгач, ёғоч биржасида каламуш ва севги саргузаштлари қидириб юрган навбатдаги Мурзикни тутиб, ўз кулбачаларига кўтариб борардилар. Шўрлик мушук кўпинча гўллигидан зиёфат қилади, деб ўйлаб қаршилик қилмасди.

Аммо кулбачадан зиёфат ўрнига мушук ўлими ҳиди келарди. Женя ва Слава махсус тайёрланган асбобларини олиб, навбатдаги тажрибага киришардилар. Бир уриш билан мушук ўлар ва оғайнилар ишга киришардилар: энг қисқа муддатда энг кам брак чиқариб, мушук терисини шилиб олиш керак эди. Улар наштар билан ишга зўр бердилар.

— Мана, қара! — деди Слава мамнун, сифатли шилинган терини кўздан кечираркан. — Бугун яхшироқ. Тағин озгина машқ қилсак, ишга киришиш мумкин.

— Киришамиз, Славик, киришамиз, — ошнасини маъқуллади Женя, печкани ёқиб, мушук қолдиқларини унга ташларкан.

— Қанча гўшт бекор кетяпти! — хахолади Слава ва самогон қуйди. — Зўр шўрва пиширса бўларди-да.

— Сен валақлама, биз мушукхўрми? — ошнасининг гап оҳангига мослаб деди Женя.

— Чиндан ҳам! Мушукхўр эмаслигимиз аниқ. Озодликда шунақа қовурма буюрамиз...

Анча совуқ кун эди. Думалоқ арралар чийиллар, пилорамалар гуриллар, машиналар узун ёғочларни судраб келар — умуман, ўрмон колониясининг одатдаги иш куни эди.

— Салом, Сашок! — дея кўришдилар ишчилар рулда ўтирган яхши хулқи учун соқчисиз юрадиган қўшни колониялик йигит билан. — Қанча қолди?

— Озгина! Яқинда уйга! — жавоб берди Саша йигитларга сигарет ва бир қадоқ чой узатаркан. — Олинглар, сизларда бу нарса камёб.

— Кетдик, Сань. Каловланма, — шофёрни шоширди ёнида ўтирган экспедитор. — Яна икки рейс қилишимиз керак.

— Кетдик, Эдик. Хафа бўлма. Бугун қизингнинг ёнига бориб, танцага таклиф қилишга ҳам улгурасан. Эҳ! Менда сенинг муаммоларинг бўлса эди.

Юк туширадиган йўл бўйида кўплаб маҳбуслар Эдик билан ҳам кўришардилар. У йигит яхши, ҳар доим ёрдамга тайёр, бунинг устига, колонияда ишлайдиган ота-оналари, айниқса, онаси ҳурматда бўлиб, йигитлар тез-тез кўнгилларини бўшатгани борардилар.

— Салом, ошналар! — деди тўйиб ичган Слава "МАЗ"га қараб бораркан. — Машинани юклашга қўйинглар, йигитлар юклашади, сизлар эса Женька билан киринглар. Мен ҳиндча чой дамладим, шоколад конфетлар ҳам бор. Нимага бир соат кабинетда вақт ўтказишинг керак!

Таклифдан сўнг улар машинадан тушиб, Славанинг ортидан кулбага қараб юришди.

— Сен, Сань, кир, — деди, — менинг Эдик билан кўзни кўзга қадаб гаплашадиган гапим бор.

Саша кулбага кирди ва ўзига қарши турган Женькани кўрди. — Салом... — гапи охирига етмади — юрагига пичоқ санчилди. Шофёрнинг мурдасини печка ёнига ётқизиб қўйди. Женя эшик олдига турди.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Бир дақиқадан сўнг кулимсираган экспедитор Эдик остонадан ўтди. Бу гал Слава пичоқ санчди. Орқасига.

— Ҳиҳ, танцага бормоқчи эмиш, — иршайди қотил. — Биз танца тушамиз.

— Кўп гапирма, — ошнасининг гапини бўлди Женя ва Эдикнинг кўксига яна бир марта пичоқ урди. — Бу сенга мушукчалар билан машқ қилиш эмас. Хўп, вақтни ўтказмайлик.

Мурдаларни тез ечинтиришиб, қонга бўялган кийимларини печкага ташлашди, тозаларини бир чеккага қўйишди — керак бўлади.

Узоқ машқлар таъсирини кўрсатди, асбоблар ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилганди. Дарров ўлганлардан бирининг юз терисини шилишди ва махсус тайёрланган эритмали тоғорага солишди. Сўнгра иккинчи мурдага ўтдилар.

Бир соат ичида қонли иш тугади. Дабдаласи чиққан мурдаларни четга қўйиб қоп билан ёпдилар.

— Қайсинисининг ниқобини оласан? — сўради Женя ошнасидан.

— Қайсиникини?! Албатта, Эдикникини! Балки ғунажини ёнига борарман.

Тоғорадан Эдикнинг юз териси ниқобини олиб, ирганиб башарасини буриштирди ва кия бошлади.

— Кел, ёрдамлашай, — таклиф қилди Женя ошнасининг қирилган бошига зўрға тортилаётган терини бармоқлари билан текисларкан.

— Хўш, қалай? — бўғиқ сўради Слава. — Ўхшадимми? У яқиндагина Эдикка тегишли бўлган сочни силади. Женьканинг кўзларида йилт этган ташвиш унга жавоб эди. Ишлаб чиқилган режа бузилди. Тортилган ниқоб марҳумнинг юзини такрорламади, аксинча, даҳшатли фильмлардаги қўрқинчли башара тусини берди.

Кулба эшигини тақиллатиб қолишди.

— Ҳей, — дейишди ташқаридан. — Текширувга кечикманглар!

Ёғоч биржаси ошхонасида сменага чиққан маҳбуслар кундузги текширувдан ўтказиларди. Женя ва Слава охиргилардан бўлиб боришди. Уларни юзидан танийдиган прапоршчик назорат карточкаларини чеккага ташлаб, бўшсизлар дегандай қўл силтади, аммо кейин сўради:

— Эдик ва Сашкани кўрмадиларингми? Қаёққадир йўқолишди.

Ошналар елкаларини қисиб, ошхонадан чиқдилар.

— Нима қиламиз? сўради Слава. — Балки ёқиб ташлаймизми?

— Улар мушукча эмас, — ғамгин ҳазиллашди Женя. — Кўмиб ҳам бўлмайди, ҳаммаёқда кўз. Кулбага қўшиб ёқиб юборамизми?

— Тўғри келмайди. Ёнгинасида ўт ўчирувчилар бор, беш дақиқада ўчиришади.

Кайфлари тарқаган ошналар нима қилиб қўйганларини англай бошладилар. Бир йўл қолганди — бўйинга олмаслик.

Шофёр билан экспедиторни қидиришга тушгандилар. Ёғоч биржасининг кўплаб бурчакли улкан саноат зонасини қидириб чиқиш қийин эди, шунинг учун мурдаларни топишга бир неча соат кетди.

Бу вақтда қотиллар яшаш жойларига қайтишга улгурган, кайфлари бутунлай тарқаган ва сўроққа чақиришларини кутардилар. Бундан қутулолмасликларини билардилар.

Сўроқдан қутулмадилар ва тезда фош қилиндилар. Энди хун тўлашга мажбур эдилар. Балки Женя ва Слава ўлимга маҳкумлар камерасида мушуклари бўлишини жуда хоҳлардилар. Аммо даҳшатли тажрибалар учун эмас, шунчаки, пахмоқ, эрмакталаб ва эрка жонзод ишонч билан тиззаларига тирғалиши учун.

"Зона" одамлари қўпол, ҳаёт уларни мажруҳ қилган, кўплари оғир жиноятлар содир этганлар, бироқ бўлган воқеага ҳаммасининг фикри бир хил эди: "Ҳайвонлар! Разиллар!".

**"Шит и меч" газетасидан Ориф ФАРМОНОВ таржимаси.**

# "БЎЛИНГ СИЗ ҲАМ ЙИГИТНИНГ МАРДИ"

БУ УЛУҒ ВА КЎҲНА заминдан неки улуғ инсонлар, табаррук зотлар яшаб ўтган бўлсалар, уларнинг ҳаммалари аёлларга нисбатан ҳар доим чуқур иззат ва ҳурмат кўрсатганлар. Уларга нисбатан дилозорлик қилган инсонлар ҳеч қачон қадр топмаганлар.

Биз ички ишлар ходимлари бевосита хизмат давомида кўплаб оилавий можароларни ҳам ҳал қилишимизга тўғри келади. Бу можароларнинг аксарият қисмида аёлларнинг тан жароҳати олиб касалхонага тушиши воқеани якунлайди. Мана, менинг қўлимда ана шундай оилавий жанжаллар сабаблари текширилиб, тўпланган материалларнинг бир нечтаси турибди. Уларга кўз югуртираман. Бегмурод қишлоғида яшовчи Эркинжон ва Гулнорахонларнинг икки нафар гулдай фарзандлари бор. Гулнора 2-гуруҳ ногирони экан. Лекин шундай бўлса ҳам уларнинг ўртасидаги оилавий можаро аёлнинг жароҳат олиб касалхонага тушиши билан тугади. Йигит кишининг ногирон аёлига бундай зўравонлик қилишини қандай баҳолаш мумкин?

Султон қишлоғида яшовчи 4 нафар фарзанднинг ота-оналари Аъзамжон ва Ҳафизахонларнинг можаролари ҳам ана шундай тугади.

Тўғри, оилада ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис давом этмайди. Ҳар хил келишмовчиликлар, қийинчиликлар бўлиши мумкин. Аммо бундай ишларни муштумзўрлик ва зўравонлик билан ҳал қилишга уринган одам ўзининг тарбиясиз ва ночор эканлигини кўрсатган бўлмайдими, ахир?

Шу ўринда бир ҳикоятни келтириб ўтишни ўринли деб ўйлайман.

Кунлардан бир куни бир одам Ҳазрат Умарга шаддод хотинининг турли жанжаллари, бақириб-чақирувларидан шикоят қилгани келди. Ул одам Ҳазрат Умарнинг эшиги олдига келганида уй ичидан Гулсумнинг хожаси – эри Ҳазрат Умарга бақириб-чақираётганини эшитиб қолди. Ҳазрат Умар эса овозини чиқармасди. Хотинидан шикоятга келган одам ўз-ўзига шундай деди: "Мен хотиним берган ҳузурсизликдан, хотинимнинг ёмон феълидан халифага шикоятга келган эдим, токи ҳузур топайин, уйимдаги жанжалдан қутулайин деб. Бу қандай тақдирки, менинг бошимдаги дард халифанинг ҳам бошида бор экан. Яхшиси бу ердан кетақолай". Ул одам қайтиб кетаётган пайтда Ҳазрат Умар уни кўриб қолди ва:

— Нега келдинг, нега кетаяпсан? — дея сўради.

— Сизга хотинимдан шикоятга келган эдим. Айни шу дард сизнинг ҳам бошингизда борлигини кўриб шикоятдан воз кечиб кетаётгандим, — деб жавоб берди.

Ҳазрат Умар ул одамга бундай насиҳат қилди:

— Менга яхшилаб қулоқ сол! Оиламнинг менда баъзи ҳақлари бордир. Менга қилган хизматлари эвазига унинг қадрини билишимни истайди. Унинг сабр-қаноат билан қилган хизматлари ва ҳақлари ушбудир:

Хотиним жаҳаннам оташи билан менинг орамда бир пардадур. Кўнглум у билан роҳат топади. У мен учун уйимнинг бир муҳофаза этгувчисидир. Мен уйимдан чиқсам, у уйимда мол-мулкимни сақлайди, уйимнинг бекаси бўлиб қолади. Кийимларимни ювиб-тозалайди. Уйимнинг тозалиги, болаларимнинг покизалигини сабр-қаноат билан таъминлайди. Болаларимни тарбиялайди. Уларни едириб-ичиради, кийинтириб ясантиради. У менинг овқатимни пишириб олдимга қўяди, бошқа юмушларни бажаради. Шунча хизматларни ўрнига қўйиб ҳам миннат қилмайди. Шунинг учун унинг баъзи камчилик ва қусурларини кечираман.

Ҳазрат Умардан бу насиҳатларни эшитгандан кейин, хотини устидан шикоятга келган одам:

— Сизга қилинадиган бу хизматлар менга ҳам қилинади, сиз хуш кўриб, унинг баъзи қусур ва камчиликларини кечганингиздан кейин, мен ҳам хотинимнинг қусурларини кечирганим бўлсин, — деди.

Ҳақиқатан ҳам аёлларни тушунмоқ, уларнинг қадрига ета билмоқ керак. Аёл энг мўътабар, энг олижаноб инсон. Улардан ширин сўзимиз ва меҳримизни дариғ тутмайлик. Токи, Пайғамбаримиз томонидан ҳам эъзозланиб келинган муштипар аёлларимизни ранжитиб қўйишликдан, уларнинг дилига озор етказишликдан ўзимизни сақлайлик.

Сўз ўрганмай ҳали одамзод,
Тили илк бор номин қилган ёд,
Танингиздан яратилган зот,
Аёлларни асранг, йигитлар!
Жонингиздек ардоқланг, суйинг,
Қуёшим денг, тафтида куйинг,
Ситамларин лаззатдек туйинг,
Аёлларни асранг, йигитлар!
Йўл қараса — соғинчдир дарди,
Кипригида изингиз гарди,
Бўлинг сиз ҳам йигитнинг марди,
Аёлларни асранг, йигитлар!

**Муҳиддин ИСРОИЛОВ.**

# ҲАММАМИЗНИ ДЎСТ ДЕРДИНГ...

**Тошкент шаҳар ИИББ патруль-пост хизматининг милиционери, милиция кичик сержанти Ўткир Ўролович Равшанов 1971 йилда туғилган. Шаҳар ИИББ бошланғич милиция мактабини тугатган. Ёши 23 да...**

**Бу бир навқирон йигитнинг бошланаётган таржимаи ҳоли. Шафқатсиз ўлим очилган гулни узиб кетди. Ўткиржоннинг ортида толпопук таққан қизи эмас, толхивич минган ўғли эмас, илинмаган чимилдиқ қолди.**

**Начора, ўлим олдида бандаси ожиз. Ўткиржон орзуга кўмилган йигит эди. Халқ осойишталиги йўлида белини сиқиб боғлаган эди у. Начора. Аммо уни 53 нафар дўсти — ҳамкасблари ҳеч қачон унутмайдилар. Ўткиржоннинг порлоқ хотирасини қалбларида абадий сақлаб, халқ тинчини ўйлаб, хизмат қилаверадилар.**

**Яратгандан раҳмат ёғилсин сенга, Ўткиржон. Ҳаммамизни дўст дердинг, дўстлигингча қолдинг.**

**Ҳамкасб дўстлари.**

**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳридаги 146-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда **Ҳамидулла Эркинович Ғаниев** номига берилган етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 34-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда **Абдуманнобхўжа Парпиевич Ибрагимов** номига берилган 282570 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**







# ЧЎПОНОТА АДИРЛАРИДАГИ ЖАННАТ

САМАРҚАНД шаҳрига яқин ерда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармасига қарашли "Зарафшон" санаторийси энг яхши шифохоналардан бири ҳисобланади. У Чўпонота яқинида, Сиёб ва Обираҳмат каналлари оралиғидаги 10 гектардан зиёдроқ майдонда жойлашган. Бу шифохонанинг очилганига 15 йилдан ошди. Илгари у касалхона бўлган. Беморлар учун бу ерда ғоятда қулай шарт-шароит яратилган. Улар бош корпусдаги бир ва икки ўринли хоналарда дам оладилар. Бинонинг ертўла қисмида замонавий ускуналар билан жиҳозланган игна, парафин, электр нури,, лой билан даволаш, сув ванналари, уқалаш хоналари мавжуд.

Моҳир ургутлик усталар ганчкорлик ва ўймакорлик ишлари билан санаторийнинг чиройини очиб юборганлар. Чойхонани ҳам улар қурганлар, 150 ўринли кинозал ва 50 ўринли бар ҳам мавжуд.

Санаторийда мароқли ўйинлар, қизиқарли суҳбатлар тез-тез ташкил этилади, мазмунли фильмлар намойиш этилади. Ана шу ажойиб шифохонада дам олувчи ва даволанувчи кишилар бутун жамоадан, унинг раҳбарларидан — санаторий бошлиғи, ички хизмат подполковниги О. Темиров, унинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, ички хизмат майори А. Туробовдан миннатдор бўлмоқдалар. Чўпонотадаги шифохонага келсангиз, тиббий ва хизмат кўрсатувчи ходимлар дам олувчилар ҳамда даволанувчиларга жуда ҳам сезгирлик ва катта эътибор билан муносабатда бўлаётганига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

**С. ЗОҲИДОВ,**
**милиция майори.**

**Суратларда: "Зарафшон" санаторийси корпуслари; (чапдан ўнгга) даволовчи врач Г. Саломова, санаторий бошлиғи О. Темиров, тиббиёт ҳамшираси М. Саматова, бошлиқ ўринбосари А. Туробов ва тиббиёт ҳамшираси М. Сафарова; йўриқчи-тиббиёт ҳамшираси Г. Петрович жисмоний тарбия машғулотларини ўтказмоқда.**

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Юнусобод тумани ИИБ Тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани

**Баҳодир Ёқубович ЮНУСОВнинг**

бевақт вафот этганлигини билдириб марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги А. Ё. Юнусовга укаси

**Баҳодир Ёқубович ЮНУСОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

**Муҳаррир ўринбосари Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ**

*МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.*

*Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.*

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1060
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
40.094 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66,
мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

1, 2, 3, 4, 5, 6